Биография

Ирисали Тошалиев (1940-2006)



Тилшунос, услубшунос олим Ирисали Тошалиев Жанубий Қозоғистоннинг Сайрам қишлоғида 1940 йилнинг биринчи январида таваллуд топган. 1960 йили Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетига ўқишга киради. Олий ўқувни муваффақиятли тамомлаб, иш фаолиятини Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институти луғат секторида бошлади. И.Тошалиев 1967 йили ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) да янги очилган журналистика факультетининг услубият ва таҳрир кафедрасига ишга таклиф қилинди ва 2006 йилгача шу кафедрада фаолият юритди.

1972 йили “Ҳозирги ўзбек адабий тилида киритма конструкциялар” мавзусида диссертация ҳимоя қилиб, филология фанлари номзоди илмий даражасини олди. Доцент И.Тошалиев 1984 йил сентябридан то умрининг охиригача 20 йилдан ортиқ услубият ва таҳрир кафедрасининг мудири лавозимида ишлаб келди.

И.Тошалиевдан 130дан ортиқ номдаги илмий иш қолди. “Ўзбек тили стилистикаси” (1997), “Ҳозирги ўзбек тили” (1997), “Адабий таҳрир асослари” (2001), “Газета жанрлари услубияти” (1997), “Газета тили” (1997), “Нутқ маданияти” (1997), “Ўзбек тилининг аъмолий услублари” (1997), “Оммавий ахборотнинг тили ва услуби” (2006) “Ахборий мулоқот маданиятининг социолингвистик тавсифи” (2016) каби илмий, ўқув-услубий қўлланмалар шулар жумласидандир.

Олимнинг илмий мероси ранг-баранг. У ўзбек тилшунослигининг деярли барча сатҳларига оид тадқиқотлар муаллифи: адабий тил меъёрлари, стилистик меъёрлар, луғавий бирликларнинг нутқий табиати, синтактик тузилмалар моҳияти, мураккаблашуви, нутқий ҳамкорлик, социолингвистик омилларнинг тил ривожига таъсири, тил таълими, оммавий ахборот воситалари матнига хос ижодий таҳририй жараёнлар таҳлилига бағишланган “Ҳозирги ўзбек адабий тилида киритма конструкциялар”, “Ҳозирги ўзбек тили.Синтаксис.Синтактик ва синтагматик қайта бўлиниш. Парцелляция” каби алоҳида китоб ҳолида нашр қилинган илмий-назарий тадқиқотлари, “Стилистик нормаларни белгилаш масалаларига доир”, “Тил таълимига социолингвистик ва психолингвистик жиҳатдан ёндашиш муаммолари”, “Оммавий ахборот матнлари” сингари долзарб мавзулардаги мақолалари услубшунос-тилшуноснинг истиқлол даври руҳига мос илмий-назарий ғояларни тарғиб-тавсиф этганлиги билан эътиборга молик.

Филология фанлари номзоди, доцент Ирисали Тошалиев 2006 йил 3 июлида 66 ёшида Тошкентда вафот этган.